
ВИДЕО МУРОЖААТ БЎЙИЧА ҚҲЙИДАГИЛАРНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ.



Ютуб каналида “Sarvinoz vlog” блогери томонидан Данғара тумани Истиқлол МФЙда яшовчи Қодиров Набиҳон томонидан қилинган видео мурожаат бўйича қўйидагиларни маълум қиламиз.

Аризачи Қодиров Набиҳон Улуғходжаевични жавобгар Данғара тумани ҳокимлиги, Кўчмас мулк савдо МЧЖ Фарғона вилояти филияли, Ермуккадастр хизмати ДҚ Данғара тумани бўлими, Данғара тумани қурилиш бўлими ва учинчи шахс Валиев Файзулло Сайдуллаевичларга нисбатан “Ҳоким қарори, кадастр хужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш, танлов комиссияси баёни ва қарорини қисман ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида”ги даъво аризаси Данғара тумани Маъмурий судининг 3-1509-1901/966-сонли маъмурий иши бўйича 25.12.2019 йил кунги хал қилув қарори билан қаноатлантиришдан рад қилинган.

08.01.2020 йил кунги Фарғона вилояти маъмурий суди апелляция инстанцияси хал қилув қарори билан Данғара тумани маъмурий судининг хал қилув қарори ўзгаришсиз, апелляция инстанцияси қаноатлантирмасдан қолдирилган.

Аризачи Қодиров Н.У.ни маъмурий судга ариза шикоят билан жавобгар Данғара тумани Ҳокимлиги, Кўчмас мулк савдо МЧЖ Фарғона вилояти филияли, Ермуккадастр хизмати ДҚ Данғара тумани бўлими, Данғара тумани қурилиш бўлими ва учинчи шахс Валиев Файзулло Сайдуллаевичларга нисбатан берган аризаси 4.04.2020 йил кунги хал қилув қарори билан рад қилинган.

Аризачи Қодиров Н.У.ни судга ариза билан мурожат қилиб, 04.06.2020 йил кунги хал қилув қарорини янги очилган ҳолат бўйича бекор қилишни сўраган. Фарғона туманлараро маъмурий судининг 10.06.2021 йил кунги ажрими билан аризачи Қодиров Н.К.ни янги очилган ҳолат бўйича хал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги аризаси қаноатлантиришликдан рад қилинган.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг](#)

[Facebook](#),

2021-09-21 18:13:00